

МУТРИБ ХОНАХАРОБ ХАЁТИ ВА ИЖОДИНИНГ УРГАНИЛИШИ

XIX асрнинг охири - XX аср бошлари Хоразм адабий мухити узининг илм-фар, адабиёт ва санъат ривожидаги урни билан алоҳда ажралиб туради. Давр адабий мухити Мухаммад Рахимхон Фсруз хукмронлиги йилларида янги киёфа касб эгиб, мавзу, жанр ва шакл жихатдан такомилга эришди. Ана шу мухитнинг салоҳиятли вакилн Мухаммад Ҳасан Мутриб адабий мероси адабиётнуосликда нисбатан кам урганилган. Ижодкор хаёти ва ижод йули буйича 1973 илии биргина диссертация химоя килинган булиб, биринчидан, унда шоир девони кулёзмалари тупик жало этилмаган, иккинчидан, бу иш адабиётшунослик аспектида бажарилган, учинчидан. шоир таваллуд ва вафот саналари тугри белпил ахмаган. Туртинчидан. шоир асарларининг бир кисми урганилган, холос¹. Шоир адабий мероси кейинги карийб ярим аср давомида адабиётшунослик эътиборидан четда келди.

Манбаларда шоирнинг таваллуд санаси 1852, 1860, 1865, вафоти санаси эса 1922, 1923, 1925 тарзида турлича кслтирилган². Тазкираи Қдйомий да ва Лаффасий тазкирасида 1923 илии вафот этгани, 70 йил умр кургани айтилган. Ҷсмак, Мутриб 1853 йилда тутилиб, 1923 йилда вафот этгани маълум булади³.

У Хива ташкари кальясида, яъни Калли Оксокол кавмида тунглган. Лели эронлик булиб. илк устози отаси булган. Мухаммад Аминхон мадрасасида тахсил олиб, макомчи бастакор сифатида тапилган. Чолгучи маъносини бсрувчи Мутриб тахаллусипи танлаши сабаби шунда. Форсий ва туркий газаллари билан шуҳрат топади. Истеъоди боне Феруз уни саронга жалб этади. Танбурни маромида чалгани, олти ярим нотани ёддан билгани, шеърият, мусика, китобат, табобат, форс-тожик гилларини пухта эгаллагани. шу билан бирга, сиз бахсида хеч кимдан енгилмагани⁴ айтилади.

Бобоҷон Тарроҳ таърифича: 'У урта бўйли. кетмои сокол, бирок соколн сийрак. ифлос кийиниб юрадиган киши эди... Аммо жуда илмли одам эди. Шеърлари хам мазали, тартиб-интизомли эди'⁵. Асарлари аксар хажвий булган. Лаффасий шоир тахаллусини хажвий шеърлар ёзиши билан изоҳлайди: "...Ферузнинг фармони билан бирор маҳраму Бош вазирларни каттиқ танкиду хажв этиб, хон хузурида ул хажв газалларпи мазкур тапкид

¹ П и р на з а р и в М. Мутриб Хонахаробийнинг ижодий йу.ти. НД. - Самарканд, 1973.

- СВР академии наук ССР. VII том. № 5270. - Тошкент: "Фан". 1964. - С. 184; СВР академии наук Республики Узбекистан. Литература (Диваны), - Ташкент: "Наврут", 2017. - С. 474; Абдуғафуров А. Мутриб // Узбекистон Миллий энциклопедияси, 6-жилд. - Тошкент: УМЭ , 2003, 165-166-бетлар; П и р на з а р о в М. Мутриб Хонахаробийнинг хаёт йули. НД. - Самарканд, 1973, 6-7-бетлар; Узбек адабиёти (антология), V жилд, 2-китоб. - Тошкент: Бадиий адабиёт, 1968,115-128-бетлар.

² Ка юм о в П. Тазкираи Қайюмий. уч жилдлик, 3-жилд. - Тошкент: УзР ФА Кулёзмалар институти, 1998, 599-600-бетлар; Ҳасан мурод Лаффасий. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржими холлари. Тазкира Л УзР ФАШИ. Кулезмалар фонда, инв. № 12561, 73^а-бет: Бобоҷон Тарроҳ-Ходим. Хоразм шоир ва навозандалари. - Тошкент: "Тафаккур каноти", 2011, 136-140-бетлар.

⁴ Хоразм шоирлари ва навозандалари. 136-140-бетлар; Хива шоир ва адабиётчиларининг таржими холлари, 73^{а,б}-бет.

⁵ Хоразм шоирлари ва навозандалари, 136-140-бетлар.

килингон шахсни доги ултургузуб, Мат Ҳасан Танбур созига кушиб укур эрди. Шул сабабли Мат Ҳасан "Мутриб Хонахароб" тахаллуси билан турли

хажвиётлар ёзуб гурадур"⁶.

Бобожон Таррох фикрича: "Мутриб хушчакчак сузларни сузлаганда оғизларини уйнатиб сузлаб, сизни бутун кайгу-хасратларингизни йўк килар эди. Шуни учун хам Мухаммад Раҳим иккинжи ҳалкга кулушма булсин дсб "Мутриб Хонахароб" куйгон эди"⁷. Юнус Юсупов эса: "Мутриб ҳароба уйда оғир хаёг кечира беради. Бир кун и отда кетаётган Феруз Мутрибни ҳароба капа олдида учратиб, "Мутасан, ҳакикатан хам сенинг ахволинг, уйинг, рузгоринг ҳароб экая, шунинг учун энди секта биздан иена (истисно) урнида шу хотира булсинки, бундам кейин тахаллусинг Мутриби Хонахаробий булсин", дегани ҳакда ёзади"⁸. Бу фикр тарихий ҳакикатга мувофик булмай. коммунистик мағкура таъсирида тукилган булиши ҳакикатга якин. "Тазкираи Кайюмий" да ёзилишича: "Мутриб Асфандиёрхон қаҳридин куркуб юрадур. Нихоят Жунаидхон ховлисини босиб, талон-тарож этиб, вайрон этадур. Шоир мұйжиза шаклида кочиб кутуладур. Шундан сунгра узига Мутриби Хонахароб деб тахаллусга куишмча билан шұхратланадур"⁹.

Пулатжон Кайюмий фикрича, 1919 Йили Жунаидхон Мутрибни боридам маҳрум этгач, шоир "Хонахароб" нисбасини олган. Аммо шоир девони кулёзмалари 1907, 1908 йилларда кучирилгани, баёз, мажмуя ва тазкиралардаги шеърлари эса 1907, 1908, 1909, 1910 йилларда тартиблангани ва улар таркибидаги шеърлари "Мутриб Хонахароб" тахаллуси билан берилгапи бу фикрни шубха остита куяди.

Утган аср 50-йилларидан сунг шоир тахаллуси "Хонахаробий"¹⁰ тарзida кулланган. Яна бошка уринларда "Мутриби хона ҳароб"¹¹. "Мутриб Хонайи Ҳароб"¹², "Мутрибий Хонахаробий"¹³, "Мутриб Хона Ҳаробий"¹⁴. "Мутриб Хонахароб"¹⁵ шаклида турлича ёзилган. Биринчидан, шоир асарларининг барча кулёзмаларида хамда унинг замондоши Лаффасий тазкирасида ижодкор тахаллуси "Мутриб Хонахароб" шаклида берилган. Иккинчидан. тахаллус бирламчи манбаларидагидек сакланниши максадга мувофиксир.

⁶ УзР фдПГИ. Асосий фонд, инв. № 9494. 50-51-бетлар; № 12561, 73^{н⁶}-74^{н⁶}-бетлар; № 11499, 36-37-бетлар.

⁷ Хоразм шоирлари ва навозандалари, 136-140-бетлар.

⁸ Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. — Тошкент, 1967, 100-бет.

⁹ К а ю м о в П.Курсатилгантазкира. 599--600-бетлар.

¹⁰ Р у з м а т о в Ю. Мутриб // "Хоразм ҳакикати", 1963. 27 декабрь; К о б у л о в Н.. И и р н а з а р о в М. Шоир Мутриб ва унинг ижоди W "Адабий мерос", № 3 (27), 1983, 74- 79-бетлар; Юсупов Ю. Хоразм шоирлари, 100-бет; М а л л а е в И. Классик адабиёт бойликларида чукур урганайлик ва кенг оммалаштирайлик // " ^китувчи". 1957, 12 март; ГГ и р н а з а р о в М. Мутриб Хонахаробийнинг ижодий нули. НД. - Самарканд. 1973. 6-7- беглар; П и р и а з а р о в М. МутрибХонахаробий (Рисола-мажмуя). - Тошкент, 2001, 1-41- бетлар; И и р н а з а р о в М. Поэтик жанрлар типологияси. - Тошкент: "Фан". 1989, 12-бет; Ж у м а е в а Д. Мутриб газалларида вазн ва кофия // "Узбек тили ва адабиёти", 2-сои, 2013, 52-54-бетлар; Абдуғафуров А. Мутриб, 165-166-бетлар; Юсупов Ю. Ут чакнаган сатрлар. - Тошкент: ГТулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 180-бет.

"Кайюмов П.Тазкираи Кайюмий,599-600-бетлар.

¹¹- Да в л а т о в Б. Шоир Мутриб // "Хоразм ҳакикати", 1991, 20 июль.

¹² Юсупов Ю. Мутриб // "Хоразм ҳакикати", 1970. 29 август.

"Пирназаров М. Мутриб дсвоинини нодир бир нусхаси // "Узбек тили ва адабиёти", 6-сои, 56-60-бетлар.

¹⁵ Бобожон Таррох Азизов - Ходим. Хоразм навозандалари (Нашрға тайёрловчи: Давлатёр Раҳим). - Тошкент : F.FunoM номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994, 73—75-бетлар.

Бобожон Таррох шоир кабри Хива Кухла кальласи ичидаги Мухаммад

Аминхон мадрасаси кунботаридағи Танобли авлиё қабристонида¹⁶ экани, К.Худойберганов эса Ичонкалъадаги Тохир Эшон кальаси ёнидаги бир ҳароба тагида колиб кетгани хакида ёзади. Бу масала ойдинлаштирилиши зарур.

Мутриб 1920 йилгача асосан газал, мусаммат ва қасидалар ёзган. Феруз саройида ижод килган 51 шоир хаёти ва ижодига дойр маълумотлар жамланган "Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи холлари" тазкирасида унинг "пайдо", "этарсан", "улди" радифли газаллари берилган.

Шоирнинг илм-маърифатга даъват, хуррият мавзуларидағи шеърлари махаллий матбуотда ёритилган. Жумладан, 1920 йилдан кийин унинг шеърлари "Хоразм хабарлари", "Инкилоб күёши" ва "Кизил Хоразм" каби газета ва журналларда эълон килинган. 1923 йилда "Узбекча инкилоб шеърлари йигурми"¹⁷ тупламида чоп этилган. Бу туркум "Куруш-эмди ҳалойиккаadolat ошкор улди...", "Билинглар, эй ҳалойик, сизга бу яхши даврондур..." ва бошка таргибий-ташвикий рух, хитоб, даъват оҳангларидаги^{18 19} шеърларни уз ичига олган. Афсуски, бу туплам хозиргача гопилмаган. Бирок тупламдаги баъзи шеърлар вактли матбуот сахифаларида эълон килинган.

Адабиётшуносликда Мутриб ижоди юкори баҳоланган. Ҳамза, Чокар, Мунзим каби шоирлар асарлари билан киёсий урганилиб, бадиий маҳораги очиб берилган²⁰. XX аср бошлари шеъриятига дойр тадқикотларда²¹ ижодкор асарлари давр хаётида муҳим из колдиргани эътироф этилади. Мутриб адабий меросида Алишер Навоии анъаналари юзасидан ҳам фикрлар билдирилган²². Шоир асарларини чоп этиш ва кенг оммалаштириш зарурлиги асосланган²³. Уша давр мағкураси таъсири сезилса-да, ушбу тадқикотлар Мутриб хаёти ва илмий биографиясини урганишда муҳим урин ту чади.

Шоирнинг кискача биографияси ва шеърларидан намуналар илк бор "Узбек адабиети" антологиясида²⁴ берилган. Утган асрнинг 60-йилларида шоирнинг замов руҳи акс этган шеърлари ва у хавда маколалар чоп этилган²⁵. Уларда айтилишича, Мутриб 1910 йилдан кийин саройпи тарқ этган, мухаббат мавзууда лирик дос гон яратган. 1920 йилда "Инкилоб күёши" газетасида будим мудири булиб ишлаган. М.Пирназаровнинг ёзишича: "Асфандиёрхон девон туздириш баҳонаси билан Мугрибнинг купгина хажвиёт ва газалларини ёқдириб юборади"²⁶. Бундан Мугрибнинг "Шох

¹⁶ Хоразм шоир ва навозандалари, 136-140-бетлар.

•

¹⁷ А б д у г а ф у р о в А. "Югурмия" - Узбекча инкилоб шеърлар туплами "Узбек тили ва адабиёти", 1984, 5-сон, 3-9-бетлар.

¹⁸ А б д у г а ф у р о в А. Мутриб, 165-166-бетлар.

¹⁹ А б д у л л а с в В.. В а л ф и х у ж а с в Б. Улуг Октябрь социалистик революциясининг арафаси ва гражданлар уруши даврида узбек поэзияси. — Тошкент: Узбек давлат университетининг асарлари, 1958, № 94, 3-9-бетлар.

²⁰ Шарафиддинов О.Иилларвайуллар \ Адабиётимизнигъяримаси.-Тошкент: Бадиий адабиёт нашириёти, 1967, 172-бетлар.

²¹ Г а и х у ж а е в Ф. Ахмаджон Табиийнинг хаёти ва ижоди. НД. - Тошкент, 1969. 12-14-бетлар.

²² М а л л а е в Н. Классик адабиёт бойликларини чукур урганайлик ва кенг оммалаштирайлик \ "Уқитувчи". 1957, 12 март.

²³ 9збек адабиёти (антология), 115-128-бетлар.

Р у з м а т о в К). Мутриб \ "Хоразм хакикати", 1963 йил 27 декабрь; Юсупов Ю. Мутриб \ "Хоразм хакикати" 1970 йил 29 август.

²⁴ П и р н а з а р о в М. Ободлиг айёмиdir \ "Гулистон", 1974, 7-сон. 28-бет.

"Комрон" достони ва бир канча лирик асарлари бизгача етиб келмагани сабаблари аён булади. Хивалик замондошлари фикрича, шоир Тул ва Булбул" номи билан хам асар ёзган²⁶.

"Мутриб Хонахаробий" рисола-мажмуасидан шоирнинг 96 та шеъри - 81 та тазали, Навоий, Мунис, Огахий газалларига 3 та мухаммаси хамда 1 та мусаддаси урин олган. Бундан ташкари, шоирнинг илмда маълум булмаган 11 та газали берилган²⁷.

Шоир девони кулёзмалари УзР ФА ШИ фондида 267941, 903IV. 906,VII ракамлари билан сакланади. Мутриб адабий мероси девон, баёз ва мажмуаларга киритилган 16 минг мисрага якин газал, мухаммас, мусаддас, мурабба ва касидаларни уз ичига олади. Элликдан ортик кулёзма манбалар ичida ун бештадаи ортик баез ва мажмуаларда шоир девони кулёзмаларида учрамайдиган шеърлари борлиги аникланди. Матназар Пирназаров биз урганаётган учта кулёзма девондан (2679/11, 903/IV, 906/VII) битгаси хакида. яъни УзР ФА Хамид Сулаймонов фондидаи 2679/11 ракамли девон кулёзмаси хакида маълумотга эта булмаган.

Мутриб хаёти хакида маълумот бсрувчи манбалар унинг халкчил, ростгуй, миллиатпарвар ижодкор булганидан далолат бсрэди.

*Нетдим, эй гарду н, сани кажравлик гибор айладинг,
Турфа меҳнатларга жонимни сазовор айладинг²⁸-*

дебя фалакнинг "кажравлиги"дан нолиши шоир хаётининг огир кечганини курсатади. Лекин у яхши кунларни орзу килиб яшади.

Шоир лирик асарларида Навоий, Огахий, Мунис каби мутафаккирлар ижодий ютукларини бадиий синтез килди. Мутриб авваламбор Навоийни узига устоз санайди. Бир канча шеърларига назира хамда тазмин мухаммаслар боклагани бунинг яккол исбогидир,

Умуман, шоир асарлари манбалари устада олиб борилгап тадқикотлар Мутриб илмий биографиями хакидаги мавжуд маълумотларни бойитиши жихатидан ахамиятлидир. Кулёзма ва тошбосма манбалар, матбуот нашрлари, антология ва хрестоматия лар шоир адабий меросига дойр асосий манбалардир. Уларни урганиш шоир шахсияти ва дунёкарашини, тахаллус танлашига сабаб булган хаётий ва адабий-эстегик омилларни аниклаш имконини беради.

РЕЗЮМЕ. Макола Мутриб Хонахароб хаёти ва фаолиятига дойр илмий тадқикотлар таҳдилига багишлангай.

*

РЕЗЮМЕ. Статья посвящена научному анализу жизни и творчества Мутриба Ханахароба.

RESUME. Tlic article is devoted to scientific analysis of the life and work of Mutrib Klianakharab.

Таянч суд ва иборалар: кулёзма, тазкпра, шеър, баёз, девон. Мутриб Хонахароб.

Ключевые слова и выражения: рукопись, тазкира, стих, байоз, девав, Мутриб Ханахароб.

Key words and word expressions: manuscript, tazkira, poem, bayaz, ghazal devan, Mutrib Klianakharab.

²⁶ Да в л ат о в Б. Шоир Мутриб \\"Хоразм хакикати", 1991 йил20 июль.

²⁷Пир Назаров М. Мутриб Хонахаробий (Рисола-мажмуя).-Тошкент, 2001.40-бет.

²⁸ УзР ФАШИ кулёзмалар фонди, девон, инв. 2679/11 (144⁴-бет), 903/IV (232*-бет), 906/VII (255¹-бет).